



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqqa boshlagan * Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2019-yil 11-dekabr, chorshanba * № 47 (1159)

БУТУН ДУНЁДА ДНК ТАХЛИЛИ ЭНГ ИШОНЧЛИ ТАХЛИЛ ХИСОБЛАНАДИ



— Қозоғистон Республикаси Ақтўбе шаҳри яқинида содир бўлган автобус ёнғини натижа-сида кўплаб Ўзбекистон фуқаролари ҳалок бўлганди. Мурдаларнинг ташқи кўринишига қараб шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган. Тергов идоралари топшириғи бўйича тезда ДНК экспертизаларини ўтказишга киришдик. ➔ 4-бет



ҚАДРДОН ИНИМ

“Нега долларда?”, “Номзоднинг соқов эмасми?”, “Қоғозбозлик ҳали ўлмаган”, “Қотил ким?” каби таҳлилий-танқидий мақолалари кенг жамоатчилик эътиборини тортганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Ваҳоланки, Б.Эгамқулов йиллар давомида бундай мақолалардан кўпини ёзган ва ёзиб келмоқда. ➔ 4-бет

СОЦИАЛ ДЕМОКРАТЛАР ҲУКУМАТ ТЕПАСИДА



Финляндия транспорт вазири Санна Марин 34 ёшида мамлакат бош вазири бўлиши мумкин. Сийёсатчи жорий ҳафта қасамёд қабул қилиб, дунёдаги энг ёш бош вазирига айланиши кутилаётир. Мариннинг номзодини унинг ўз партияси — социал-демократлар ҳукумат раҳбарлиги учун илгари ➔ 5-бет сурган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАРНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ҲАМДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва аҳолини ташвишга солаётган жиддий муаммоларни аниқлашнинг бутунлай янги тизимнинг жорий этилиши қисқа вақт ичида фуқароларнинг давлат институтларига ишончи даражасининг орттишига ва давлат хизматчилари томонидан ўзига юклатилган иш соҳасига муносабати ва масъулиятини тубдан ўзгартириш имконини берди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар вазириликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа давлат ташкилотларида (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари) эскирган бюрократик усулларда иш юритиш, шу жумладан, ҳужжатлар айланмасига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш даражасининг пастлиги, қоғозбозлик ҳажмининг юқорилиги, шунингдек, амалий аҳамиятга эга бўлмаган қўлаб йиғилиш ва мажлислар ўтказиш амалиёти сақланиб қолаётганлигини кўрсатди.

Давлат томонидан тартибга солиш ва давлат хизматларини кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш, маъмурий тартиб-таомилларни қисқартириш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси, Адлия вазирилик, вазирилик ва идораларнинг куйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) 2020 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг алоҳида функция ва вазифаларини тегишли давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларига 1-иловада мувофиқ ўтказиш;

б) 2020 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг куйидагиларни назарда тутувчи функция ва вазифаларини чиқариб ташлаш:

технологик, ўрмон-мелиорация, агротехник, гидротехник, санитария-техник тадбирларни келиштириш;

бузилиши учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган, жамоат тартибини сақлаш масалалари, агар улар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси билан тартибга солинмаган бўлса, шунингдек, табиий офат ва эпидемиялар билан курашиш масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш;

атмосфера ҳавосини ифлослантиришнинг турғун манбалари томонидан атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқариш бўйича давлат экологик экспертизаси ҳулосасида назарда тутилган шартлар ва талаблар бузилиши билан боғлиқ фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тугатиш масаласида қарор қабул қилиш;

ўрмонларнинг ҳолатига зарар етказилган ҳолларда ташкилотлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тугатиш бўйича қарор қабул қилиш;

бозор фаолиятини тўхтатиб туриш бўйича қарор қабул қилиш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

2020 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари 2-иловада назарда тутилган ҳужжатларни фуқаролардан талаб қилиши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан уларнинг берилишига йўл қўйилмайди;

2021 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг таркибий бўлинмалари ўртасида ҳужжат айланиши ва ҳисоботларни юритиш фақат электрон кўринишида шакллантирилади ва амалга оширилади.

(Давоми 3-бетда) ➔

➔ Ғурур



Ватан — мадҳинг янгрисин токи бор жаҳон!

Бир неча кундирки, юртимизда ғурур ва ифтихорининг, ишончу таянчимиз бўлган саналар байрам қилинмоқда. Бош Қомусимиз — Конституциямиз қабул қилинганлигининг 27 йиллиги шодиёналарига ҳамоҳанг кеча — 10 декабрь Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун қабул қилинганлиги кенг нишонланди.

Миллий озодликни қўлга киритган, миллий тараққийнинг тарихий босқичига қадам қўйган ҳар бир халқ ўзи учун Ватанининг шонли тарихи, бугуни ва келажаги, орзу-интилопларини муҳасса этган давлат рамзларини қабул қилади. Бу рамзлар давлат суверенитетининг ўзига хос шаходатномасидир.

Мадҳия — миллатни ҳаммиса ўз озодлик йўли, аҳдида собит тутиб турувчи руҳий қувват манбаи ҳамдир. У миллатни, халқни бирлаштирадиган, юксалтирадиган, энгилмас кучга, юксак ирода ва жасорат тимсоли-

га айлантира оладиган қўшиқдир. 1992 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси” тўғрисидаги қонун қабул қилинган кунни ёши улуглар ҳаяжон билан эслайдди.

Бу эрксизлик, ҳуқуқсизлик, камситиш ва таҳқирлашлар ичра яшаб келган халқнинг 130 йил орзиқиб кутган ҳаяжони эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз ва хорижий давлатлардаги олий

даражадаги учрашувларида, юртимиз вакиллари иштирок этадиган халқаро миқёсдаги сийёсий, иқтисодий, маданий-маърифий йўналишдаги нуфузли анжуманлар, спорт мусобақаларида Давлат байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз тантанавор оханги таралганда қалбларимиз фахру ифтихорга тўлади. У ҳақ дунёда Ўзбекистон деган қутлуг давлат борлигининг нишониси бўлиб жаранга-лайди.

“Серкўёш хур ўлкам, элга бахт, наҳот.”


У ҳақ томонидан офтоб, нур ила сийланган халққа бахт-наҳот берган ўлка — Ўзбекистон деб аталмиш, илдизлари неча мингнинг йилларга бориб туташган Ватан ҳақидаги мангу бағдир.

4 ➔

➔ 12 декабрь — Чингиз Айтматов таваллуд тошган кун

Адиб илтижоси

Туркий халқларда ўғил бола етти ота-бобоси ким бўлгани, эл-юртда улар тўғрисида қандай хотира қолганини билиши, яхши ишларини эслаб юриши қатъий одат бўлган. Оқсоқоллар кўчада нотаниш болани кўриб қолишса, “Қани, ботир бола, кимнинг ўғлисан, отангнинг отаси ким, бобонгнинг бобоси ким бўлган?” деб сўрашган. Бола ўзининг сулоласини билмаса, “Ўғлига боболари кимлигини ўргатмаган бу қандай ота бўлди?” дея афсусланишган.



5 ➔

• ЯНГИЛИКЛАР • ХАБАРЛАР • ВОҚЕАЛАР

Мева-сабзавотчилик соҳаси ривожланади

Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 9 декабрь кун мева-сабзавотчиликка ихтисослашган кластерлар ташкил этиш, мева-сабзавотлар етиштириш сифати ва экспорти ҳажмини ошириш масалалари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Унда аграр соҳада ҳосилдорлик ва мەҳнат унумдорлигини янада ошириш мақсадида Президент фармони билан Ўзбекистон Республикаси кишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, қулай агробизнес муҳитини ва юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, соҳада илгор технологияларни қўллаш бўйича қатор муҳим чора-тадбирлар белгиланди.

Энергия улашамиз!

Қорақалпоғистон. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети янги лойиҳани йўлга қўйди. Электр энергетикаси кафедраси мудири Камол Реймов ташаббуси билан университет бош биноси олдида жами қуввати 3 кВт бўлган монокристал таркибли қуёш панеллари ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди.



Лойиҳа Жанубий Кореянинг “WEEnergy”, “Hanbek Construction Co., Ltd” компаниялари ва Қуёш энергияси Халқаро институти ўртасида тузилган ҳамкорлик шартномаси асосида амалга оширилди.

Худудлар чегараси ўзгаради

Сурхондарё. Қонунчилик палатасининг 2019 йил 9 декабрь кунни ўтказилган навбатдаги мажлисида депутатлар бир қатор қонун лойиҳалари билан бирга, айрим худудларнинг чегарасини ўзгартириш масалаларини муҳокама қилдилар. Парламент хабарига кўра, мажлисда халқ вакиллари «Сурхондарё вилояти Термиз туманининг чегарасини ўзгартириш, Термиз шаҳрининг чегарасини кенгайтириш ва тасдиқлаш тўғрисида»-ги масалани кўриб чиқдилар. Назарда тутилаётган ўзгаришларга кўра, Сурхондарё вилояти Термиз тумани худудидаги «Мангузар», «Чегара», «Паттақесар», «Тинчлик», «Алишер Навоий», «Кокилдор ота» маҳалла фуқаролар йиғинлари худудлари тўлиқ, «Нурли диёр» ва «Намуна» маҳалла фуқаролар йиғинлари худудларининг бир қисми (умумий ер майдони 1 561 гектар) Термиз шаҳри таркибига ўтказилади. Бундан ташқари вилоятда Бандихон тумани қайта ташкил этиладиган бўлди.

Математиклар кўпаяди

Сирдарё. Гулистон шаҳрида Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги Халқаро математика мактабининг филиали очилиши кўзда тутилмоқда. Бу ҳақда мазкур мактаб директори Темир Рўзиев маълум қилди. Ўқитувчилар билан ўтказилган мулоқотда иштирок этган бухоролик педагоглар математика фанини ўқитиш борасидаги тажрибаларини гапириб беришди. Ана шундай тадбир Сайхунобод туманида ҳам бўлиб ўтди.

Эътиборли томони, мазкур Халқаро математика мактабининг жорий йилги барча битирувчилари олий ўқув юртлири талабаси бўлишиди.

Ўз мухбирларимиз.

➔ Муносабат

Кучли парламент — демократия таянчи

Юртимизда 22 декабрь — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашлар сайловига қизгин ҳозирлик кўриломоқда. Ушбу муҳим сийёсий жараён арасида АҚШнинг юртимиздаги фавқуллода ва мухтор элчиси Дэниел РОЗЕНБЛУМ бу борадаги мулоҳазалари билан ўртоқлашди:

— Сайловолди жараёнларни диққат билан кузатиб бормоқдамиз. ЕХТнинг кузатувчилар миссияси таркибиде ҳам АҚШ вакиллари

бор. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис янада жонли фаолият кўрсатиши, жумладан, ижроия ҳокимиятини

назорат қилиб бориши лозимлигини бот-бот таъкидламоқда.

3 ➔

ОБУНА — 2020



Келгуси йил учун обуна давом этмоқда.

Азиз юртдошлар,

“HURRIYAT” га

ошно юраклар — севимли нашрингизга обуна бўлинг!


“Ўзбекистон почтаси” АЖ ва

“Матбуот тарқатувчи” АК филиаллари ҳамда

соҳага тааллуқли

бошқа корхоналар орқали обунани

расмийлаштиришингиз мумкин.



ЭКОЛОГИК ЖАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ЭРИШАМИЗ!

Фаолиятимизнинг устувор вазифалари

Эркин ОМОНОВ,

Ўзбекистон Экологик партияси Ахборот хизмати раҳбари:



— Ўзбекистон Экологик партияси ўз дастурий вазифаларини, сайловолди сиёсий позициясини амалга оширишда, партиянинг дастурий мақсад ва голларини қўллаб-қувватлайдиган, экология соҳасида етарли тажриба орттирган, ўз фаолиги билан Ватанимиз манфаатларига садоқат билан хизмат қиладиган, экологич ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда аҳолининг соғлигини сақлаш, санитария-эпидемиология оқолини таъминлаш борасида амалга ошириладиган туб ислохотларни тўшуниб етган, ташкилотчилик тажрибасига эга бўлган ва бу борада мустақил қарор қабул қила оладиган фуқароларга таянади.

Ўзбекистон Экологик партияси қуйидагиларни ўз фаолиятининг устувор йўналишлари деб ҳисоблайди:

— фуқароларнинг кулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилишга йўналтирилган сиёсатни амалга ошириш, табиати муҳофаза қилиш ва аҳоли соғлигини сақлаш борасида кенг жамоатчилик саъй-ҳаракатларини бirlаштириш;

— давлат органларининг мавжуд экологик муаммоларни ҳал этиш ҳамда уларнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг икроси юзасидан масъулиятини кучайтиришга қаратилган самарали парламент ва жамоатчилик назоратини ташкил этиш;

— глобал, минтақавий, маҳаллий экологик муаммоларни ҳал этиш ҳамда экологик ҳолатни барқарорлаштириш ишида жамоатчиликнинг фаол иштирокини ҳар томонлама кучайтириш;

— атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиология оқолини таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш;

— аҳолининг экологик ҳавфсизлигини ҳамда жамиятда соғлом турмуш тарзини ва табиий маданиятини оммалаштиришнинг таъминлаш, экологик маданиятни юксалтириш, бунда юксак маънавий, иқтисодий оғ ва тафаккур орқали миллий анъана ва қадриятларимизга амал қилиб, она-табиатни асраб-авайлашга эришиш;

— ўсиб келаётган ёш авлодда экологик оғни, билимни шакллантириш ҳамда ривожлантириш, узлуксиз таълим тизимида экологик таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш асосида экологик таълим самарадорлигини янги босқичга қўтаришда фаол иштирок этиш;

— иқтисодий-иқтисодий ислохотларда фаол иштирок этиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларига энергия ва ресурсларни тежайдиган, кам чиқитиш, экологик тоза инновацион технологияларни жорий этишга қўмаклашиш;

— атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида Ўзбекистон манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда халқаро ва хорижий экологик ташкилотлар билан алоқаларни изчил ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш йўлида фаолият юритиш.

Атмосфера ҳавоси мусаффолигини таъминлаш учун нима қилиш керак?

Дилфуза МУЙДИНОВА,

Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши аъзоси:

— Инсоният ҳаёти учун энг муҳим омил бўлган атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, унинг сифат кўрсаткичларини экологик нормативларга мослигини таъминлаш бугунги куннинг глобал муаммоларидан биридир. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши инсон, ўсимлик, ҳайвонот, умуман, жамияти тирик мавжудотларга зарарли таъсир кўрсатади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, дунёда ўн нафардан тўққиз киши ифлосланган ҳаводан нафас оляпти. Ер юзидинг 91 фоиз аҳолиси ҳавоси ифлосланган ҳудудларда яшайди. Одамлардаги юрак касалликларининг 25 фоизи, шол касаллигининг 24 фоизи, ўпка касалликлари ва ўпка саратонининг 43 фоизи ифлосланган ҳаводан нафас олиш натижасида келиб чиққанда. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши нафақат инсон, балки атроф-муҳит, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Масалан, мутахассислар томонидан Қайрағоч табиий шариотида 350-400 йил яшаши, шаҳар хибонларида 120-200 йил серкаторов йўллар атрофида эса 40-50 йил яшаши аниқланган. Йирик саноат, металлургия, қимё, кончилик корхоналари атрофида (5 км радиусда) кишлоқ хўжалиқ ўсимликларнинг ҳосилдорлиги 25-30 фоизга, сифат кўрсаткичлари эса 40-50 фоизга камайиши, автомобиль йўл атрофларида етиштирилган деҳқончилик маҳсулотлари таркибида эса кўрғошин бирикмалари ҳамда айрим қимбей моддалар руҳсат этилган меъёрдан 5-10 баробар кўпроқ тўпланиши аниқланган.

Шу билан биргаликда, атмосфера ҳавосига чиқарилаётган иссиқхона газлари глобал иссиқга сабабчи бўлиб иқлим ўзгаришларини келтириб чиқармоқда. Дунё ҳамжамияти, шу жумладан, мутахассислар томонидан берогар бонг урилмапти. Дунё микросида атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ташланмалар миқдори шу суръатларда кетса, глобал иссиқ ва иқлим ўзгаришлари натижаси башорат қилиб бўлмайди оқибатларга олиб келиши мумкинлиги таъкидланмоқда.

Сўнгги йилларда атмосфера ҳавосининг ифлосланишида антропоген таъсирнинг роли кескин ортиб бормоқда. Ишлаб чиқариш корхоналари, автомобиллар сонининг кўпайиши атмосферага ташланмаётган ташланмалар миқдорининг ортишига сабаб бўлмоқда.

Биргина мисол, 6 йил давомида ишлатилган ўртача автомобиль атмосферага 9 т СО₂, 0,9 т СО, 0,25 т NO_x ва 80 кг углеводород чиқаради. Автомобиль транспортининг чиқарган ташланмалар таркибида инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи 200 дан ортиқ моддалар — углеводород ва азот оксидлари, углеводородлар, бензопирен, кўрғошин, оғир металллар ва бошқа бирикмалар мавжуд. Ёки шаҳарда 100 мингта автомобиль бир пайтнинг ўзида ҳаракатланса, миллион литр қайноқ сув чиқарадиган энергия билан тенг иссиқлик чиқаради. Шу билан биргаликда автомобиль шовқини кучайтирувчи манба ҳам ҳисобланади.

Юртимизда 99,5 минг тургун ифлослантирувчи манбага эга 3,5 мингдан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда

2,816 млн.дан ортиқ кўча ифлослантирувчи манбалар, яъни автотранспорт воситалари мавжуд.

Атмосферага чиқарилаётган ифлослантирувчи моддаларнинг умумий миқдори 1991 йилдан 2006 йилгача қарийб икки баробарга (1991 йил 3,81 млн. тонна, 2006 йилга келиб бу кўрсаткич 1,92 млн. тоннага ташкил этган) камайган бўлса, 2010 йилдан 2018 йилгача атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар миқдори қарийб 1,3 баробарга ортган ва 2018 йили 2,442 млн. тоннага ташкил этган. Бундан 65 фоиз ёки 1 млн. 560 минг тонна автотранспорт воситалари ҳиссасига тўғри келади. Йирик шаҳарларда, мисол учун Тошкент шаҳрида эса бу кўрсаткич 80 фоизни ташкил этади.

Дарҳақиқат, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг ортиб боришини Орол денгизи қуриган тубидан кўтарилаётган чанг ва туз зарралари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари, автомобиллар сонининг кўпайиши, жойларда қурилиш майдонларида олиб борилаётган жадал ишлар билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистон Экологик партияси атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги энг муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблайди:

Биринчидан, кўккаламзорлаштирилган ҳудудларни, айниқса, шаҳар ва автомобиль йўллари четида яшил ҳудудларни кенгайтириш. Йирик шаҳарлар атрофида "яшил қалқонлар" ташкил этиш;

Иккинчидан, ёқилгилар сифатини янада яхшилаш ҳамда экологик тоза транспорт воситаларини қўлайтириш, шу жумладан, кенг жамоатчилик учун кулай бўлган велойўлакчалар ташкил этиш;

Учинчидан, иқтисодиётнинг барча жабҳаларида яшил, экологик тоза, энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, технология ва маънавий жиҳатдан эскирган ишлаб чиқариш корхоналарини реконструкция қилиш;

Тўртинчидан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни амалиётга кенг татбиқ этиш;

Бешинчидан, янги қуриладиган уйлар ва биноларни энергия ва ресурс тежамкор материаллардан фойдаланиб қурилишини таъминлаш;

Олтинчидан, атмосфера ҳавосига ташланмаларнинг асосий қисmini чиқарувчи кўча ифлослантирувчи манбаларга нисбатан, доимий манбаларга қўлланилган иқтисодий механизмларни қўллаш ва буларни тегишли қонун ва қонуности ҳужжатларида акс эттириш.

Ҳавонинг ифлосланишига қарши курашининг энг яхши усулидан бири шаҳарларни, тевагар-атрофни қўккаламзор қилиш: боғу роғлар, гулзорлар, маданият ва истироҳат боғлари, хибонлар, дархатзорлар, ўрмонлар барпо қилиш, корхоналар ва шунга ўхшаш жойлар атрофини қўккаламзорлаштириш. Буларнинг ҳаммаси санитария-гигиена ва эстетик жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб, шаҳарнинг қурилиш-архитектура комплексига қўшилиб, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда жуда муҳим аҳамиёт касб этади.

Илик ва қўшши кунларда 1 гектар жойдаги қўкват ва дархатлар фотосинтез жараёнида ҳаводан 220-280 кг карбонат ангидридни ўзлаштириб, 180-220 кг эркин кислород чиқаради ёки буйи 25 метр келадиган, 80-100 йил умр кўрган бир тўп қорақайиш дархати бир соатда 2 кг карбонат ангидрид "ютиб", 2 кг кислород ишлаб чиқаради. Яна шу нарса ҳам ҳисоблаб чиқилганки, бир гектар жойдаги яшил ўт-ўлан бир соатда 200 одам нафас чиқарадиган ҳосил бўладиган карбонат ангидридни ўзлаштиради. Демак, яшил ўсимликлар ҳавони карбонат ангидриддан тозалаш, кислород билан бойлатади.

Яшил ўсимликлар шаҳарларнинг микроклимини ҳам яхшилайди. Дархатлар иссиқ пайларда атмосферага кўп миқдордаги сув буғи чиқариб, кундуз кунлари ҳавонинг намлигини 20-30 фоизга оширади, ҳароратни эса бир неча даража пасайтиради.

Шаҳарларда яшил бойликларнинг яна бир муҳим ва фойдали хусусияти шунки, улар товуш ва шовқинни 20 фоизга ютади (сусайтйради), дархатлар қанчалик зич бўлса, шовқинни шунча кўп ютади. Парклар, боғлар, хибонлар инсон организмига шифобахш таъсир кўрсатади. Асабларни тинчлантиради, иш қобилиятини оширади. Шундай қилиб, тоза ҳаво одамларнинг соғлиғига иқобий таъсир кўрсатиб, организмнинг турли юқумли касалликларга қаршиликни оширади.

Демак, яшил ўсимликлар одамларнинг кислородга бой соф ҳаво билан нафас олишига имкон туғдириши билан бирга шаҳарларнинг дам олиши учун кулай шароит яратяди. Шаҳар ичидаги ҳавони мусаффо ҳолда сақлайди.

Ўзбекистон Экологик партиясининг сайловолди дастурида ҳам атмосфера ҳавосининг мусаффолигини таъминлашга қаратилган дастурий вазифалари мавжуд. Хусусан, мамлакатимизнинг йирик ва саноати ривожланган шаҳарларида атмосфера ҳавосига чиқарилаётган углеводород, азот бирикмалари, метан ва бошқа газлар чиқарилишини ҳамда чанг миқдорини 1,5 баробар камайитириш орқали атмосфера ҳавосининг сифат кўрсаткичларини белгиланган меъёрлар даражасига келтириш ва уларнинг аҳолига салбий таъсирини камайитириш, шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши, она табиатини асраш, экология ва аҳоли саломатлигини сақлаш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал этиш ҳамда келажак авлодларнинг мусаффо муҳитда яшаш ҳуқуқини қалқонлаштириш ишларида фаол иштирок этиш барчамизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Аҳолининг экологик саводхонлик даражасини ошириш, экологик маълумотга эга бўлишини таъминлаш — давр талаби

Мактуба МИРТУРСУНОВА,

Ўзбекистон Экологик партияси аъзоси:

— Биз аҳолининг, айниқса, ёшларнинг экологик жиҳатдан юксак маънавиятли ва маданиятли бўлиши тарафдоримиз.

Партия жамиятга экологик маданият даражасини юксалтириш, мамлакатнинг ноёб табиатини келгуси авлодлар учун асраб-авайлашда фуқаролар маъсулиятини янада ошириш бугунги кунда экологик барқарорлигини таъминлаш ва атроф-муҳитга салбий таъсирнинг ҳамда антропоген таъсирнинг олдини олишни муҳим ва долзарб масалалардан бири, деб ҳисоблайди.

Ушбу масаланинг ечимини топшида Ўзбекистон Экологик партияси аҳолининг ва ўсиб келаётган ёш авлоднинг

экологик саводхонлигини ошириш, экологик оғни ва экологик маданиятини шакллантириш ҳамда ривожлантириш, экологик таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этишга йўналтирилган ишларда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини муҳим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Экологик партияси мазкур йўналишда қуйидагиларга йўналтирилган давлат дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этади:

Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепциясини ҳаётга изчил ва самарали татбиқ этиш;

экология соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари, иқтисодиёт ва бошқарув, судлар ва ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари ва раҳбар-кадрларнинг экологик билим савиясини оширишнинг самарали тизимини яратиш;

экологик таълим-тарбия жараёнига масофадан туриб ўқитиш учун ахборот ресурсларини яратишни ўз ичига олган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

ёшларнинг экологик таълим-тарбияси масалаларида оила, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва таълим муассасаларининг саъй-ҳаракатларини бirlаштириш.

Аҳолининг экологик маданиятини ошириш вазифасини ҳал этиш учун Ўзбекистон Экологик партияси халқимизнинг доимо табиат ва инсон уйғунлигига эришишни таъминлашга интилиш, келгуси авлод учун уни асраб-авайлаш, сув ва бошқа табиий ресурслардан тежамли фойдаланишдек асрий анъаналар ва қадриятлардан иборат маданият ҳамда табиий меросга таянишни муҳим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Экологик партияси ушбу вазифаларни давлат органлари, сиёсий партиялар, нодавлат ноҳижот ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятини бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликда бажаради.

Мавжуд экологик муаммоларга жамоатчиликнинг эътиборини қаратиш, уларни изчил ҳал этишининг энг мақбул йўлларини жамоатчилик муҳокамасини ташкил этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳолати ҳақида фуқароларнинг ҳақоний экологик маълумотга эга бўлишини ва тезкор ахборот билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Экологик партияси оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилади ҳамда ўзининг босма оммавий ахборот воситаларини, Интернет ресурсларини ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларини ташкил этади.

Ўзбекистон Экологик партияси атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасида ресурс ва энергия тежовчи экологик тоза технологиялар борасидаги илмий изланишларни ривожлантиришда ташаббускорларни, олим ва мутахассисларни қўллаб-қувватлаган ҳолда фан ва таълим соҳасига сарфланаётган маблағлар мамлакатимизда экологик маданиятни юқори, юксак интеллектуал жамиятни шакллантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлади, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Экологик партияси доимий равишда:

аҳолининг атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш, фуқаролар соғлигини муҳофаза қилиш борасида қўрилётган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлашга;

экологик таълим ва тарбия тизимини, шунингдек, барқарор ривожланиш мақсадлари учун таълимни ривожлантиришга;

мамлакатимизнинг ноёб табиати халқимиз тарихий меросининг ажралмас қисми сифатида келажак авлодлар учун, уни ҳар бир фуқаро томонидан асраб-авайлашга интилади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли соғлигини сақлаш масалаларида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш муҳим

Моҳира ХОДЖАЕВА,

Ўзбекистон Экологик партияси аъзоси:

— Ўзбекистон Экологик партияси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларида чегара билмаслигини ҳисобга олган ҳолда, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли соғлигини сақлаш масалаларида алоқаларни изчил равишда ривожлантиришда ҳамда мустаҳкамлашга.

Ўзбекистон Экологик партияси Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини инобатга олган ҳолда, экологик ҳавфсизликни таъминлаш ва барқарор ривожланишга доир самарали халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади.

Партия яқин кўшни давлатлар билан юритилаётган очик, дўстона ва прагматик давлат сиёсатини маъқуллайдди, минтақамиздаги барча муҳим сиёсий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, амалий мулоқот ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳал этиш тарафдоридир.

Ўзбекистон Экологик партияси юқорида қайд этилган мақсадларга эришиш учун асосий эътиборини:

— Оролбўйини "Экологик инновация ва технологиялар ҳудуди" деб эълон қилиш бўлиб БМТ Бўш Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш учун қўмаклашишга;

— БМТ шафелигида Оролбўйини минтақаси учун инсон ҳавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст жамғармаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш, халқаро ҳамда хорижий молия институтлари маблағларини жалб қилиш бўйича тадбирларни ўтказиш ва амалга оширилган лойиҳаларни тизимли мониторингнинг ўтказишга;

— Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг минтақада атроф-муҳитнинг ифлосланишини камайитириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини сақлаш нозарида туғувчи "яшил белбоғ" дастури қабул қилинишини қўллаб-қувватлаш ҳамда уни амалга оширишда фаол иштирок этишга;

— Ўзбекистонда "яшил иқтисодиёт" ва "ақлли қишлоқ хўжалиги" дастурларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда жорий этишга;

— атроф-муҳитни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги устувор дастур ва лойиҳаларни инвестициялашга халқаро молия институтларини жалб қилишга қаратади.

Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлишнинг олдини олиш чораларини кучайтириш шарт

Алйон ЖАЛИЛОВ,

Ўзбекистон Экологик партияси Навоий вилояти партия ташкилот раҳбари:

— Мамлакатимизда сўнгги йилларда кўпба прогрессив ва зарур ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ўта муҳим масала ҳисобланган омиллардан бўлиши инсонлар томонидан ҳайвонларнинг ўзаро муносабатлари лозим даражада тартибга солинмаган. Уй ҳайвонларига нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, қаровсиз қолган ҳайвонларга ёрдам кўрсатиш борасида мақсади дастурларнинг йўқлиги бугунги куннинг афсусчи қайғули айни ҳақиқатдир.

Бошқа тирик мавжудотларга нисбатан шафқатсизлик одамларга нисбатан ҳам бундай муносабатни келтириб чиқариши, жамиятнинг маънавий қадриятлари ва одоб-ахлоқ нормаларини ҳамда инсонпарварлик принципларининг бузилишига олиб келиши мумкин.

Криминология, психология, суд психиатрияси соҳасидаги олимларнинг ўтказган тадқиқотлари шунки кўрсатадики, ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлаётган шахслар кўпчан потенциал жиноятчилар бўладилар ва ҳуқуқ-тартибот органларининг жиҳдий эътиборига лойиқдирлар. Тадқиқотларнинг кўпчилиги шунки кўрсатадики, маньяк-қотил 8-12 ёшда оқилан бошлайди.

Криминология, психология, суд психиатрияси соҳасидаги олимларнинг фикрларига кўра, агар илгари болаларнинг ҳайвонларни таҳрирлаши, асосан, оиладаги номақбул вазиёт туфайли тарбиядаги нуқсон сифатида талқин этилган бўлса, ҳозирги кунда ҳайвонларга нисбатан шафқатсизлик ва тажовузкор бўлган шахслар ақсарий ҳолларда жонот содир этишга мойил бўлиб, қотил сифатида 8-12 ёшдан шакллана бошлайди.

Ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлишнинг ижтимоий ҳавфлиги, ҳайвонларни, айниқса, вога етмаганлар кўз ўнгиде йўқ қилиш ёки уларга шикаст етказишдан, умум-этирфот этилган инсонпарварлик принципларини қўпол бузишдан иборат. Содир этилган жиноят воқеа шохидлар ва ҳайвонларнинг эгаларига ахлоқий, руҳий зиён етказяди.

"Меҳр ва Оқибат" ҳайвонларни ҳимоя қилиш жамиятининг статистик маълумотларига кўра, 2014-2018 йилларда фақатгина Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида фуқаролардан ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳақидаги 4 мингдан ортиқ ариза келиб тушган. Бундай ташвишли ҳолатлар республиканинг ақсарий вилоятларида кузатилиб, уларнинг статистикаси йилдан-йилга ўсиб бормоқда ва 2014 йилда ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳолатлари 494 тани, 2016 йилда 720 тани, 2018 йилда эса 1014 тани ташкил қилган.

Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзоларининг ташаббуси билан жорий йилнинг май ойида ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўрғисидаги кодекснинг 111-моддасида белгиланган маъмурий жавобгарлик қўйилтирилиб, ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш уларнинг ўлимига ёқуд майиб бўлишига олиб келса, жаримани энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваргача миқдори энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваргача оширилади. Шунингдек, модда янги иккинчи қисм билан тўлдирилиб, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёқуд ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик воқеа етмаган шахс ҳозиргида содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваргача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткага маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлиш белгилан қўйилди.

Аммо шунга қарамастан ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳолатлари ҳамон қайд этилмоқда. Шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бригадаси вакиллари томонидан ҳайвонларга нисбатан бениҳос шафқатсизлик қўллана болалар ва кекса фуқароларнинг кўз ўнгиде содир этилмоқда. Ҳайвонларни тутишда азоб берувчи, шафқатсиз усуллардан, шу жумладан, қўл-оёқларни узиб олиш, турли қаттиқ предметлар билан қалтаклаш қўлланилмоқда.

Ушбу муаммо бўйича халқаро тажрибани ўрганиш шунки кўрсатадики, бир қатор мамлакатларда масалан, Беларусь, Россия, Қозғистон, Украина каби давлатларнинг Жиноят кодексларида ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш билан боғлиқ жиноятларни содир

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАРНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ҲАМДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 мартга қадар тегишли давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти бўйича зарур ҳисоботларни реал вақт режимида тузиш ҳамда 2021 йил 1 январга келиб қозғ кўринишидаги бланклар, шакллар ва жадалларни тўлдирибдан тўлиқ воз кечиш имконини берадиган Барча давлат органлари ва ташкилотларида ҳисобот ва ҳужжат айланишини юритишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режасини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

Давлат органлари ва ташкилотлари Барча давлат органлари ва ташкилотларида ҳисобот ва ҳужжат айланишини юритишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режасида назарда тутилган мuddатларда ҳисобот юритишнинг автоматлаштирилган тизими босқичма-босқич жорий этилишини ва унинг тўлақонли ишлашини таъминласин.

Белгилансинки, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари тегишли давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига ҳисобот ва ҳужжат айланишини юритишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш учун шахсан жавобгар ҳисобланадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 мартга қадар давлат органлари ва ташкилотларининг барча ходимлари ва раҳбарларини белгиланган тартибда электрон рақамли имзолар билан таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги "Идоралараро коллегиял органларни тубдан қисқартириш ва янада оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5527-сон Фармонида мувофиқ Адлия вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда амалдаги идоралараро коллегиял органларнинг фаолияти тахлил қилинганлиги ва самарадорлиги баҳоланганлиги, натижасига кўра уларни янада қисқартириш ва мақбуллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Хукумати ҳужжатлари билан тузилган 3-иловага мувофиқ рўйхат бўйича алоҳида идоралараро коллегиял органларнинг айримлари ваколатларини тегишли давлат органлари ва ташкилотларига ўтказган ҳолда, 2020 йил 1 январдан бошлаб уларни тугатиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 мартга қадар мазкур қарорнинг 3-иловасини амалга оширишга қаратилган тегишли тадбирлар амалга оширилишини таъминласин ва бунда қуйидагилар назарда тутилсин:

тугатилаётган идоралараро коллегиял органларнинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш ва ўрганиш;

ўтказилган хатлов ва ўрганиш натижаларига кўра аниқланган тугатилаётган идоралараро коллегиял органларнинг долзарб ваколатларини тегишли давлат органлари ва ташкилотларига ўтказишни назарда туғувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

8. Бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий этиш бўйича "Йўл харитаси" 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги "Идоралараро коллегиял органларни тубдан қисқартириш ва янада оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5527-сон Фармонида мувофиқ Адлия вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда амалдаги идоралараро коллегиял органларнинг фаолияти тахлил қилинганлиги ва самарадорлиги баҳоланганлиги, натижасига кўра уларни янада қисқартириш ва мақбуллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

10. Белгилансинки: Академия ва унинг филиалларидаги ўқув курслари пуллик асосда олиб борилади ва ушбу курсларда иштирок этиш тасдиқланган курслар графига киритилган давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ва раҳбарлари учун мажбурийдир;

Академия ва унинг филиалларидаги ўқув курсларида ўқиш билан боғлиқ харажатлар бюджетдан ташқари маблағлар ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар, шунингдек, ходимлари курс тингловчилари ҳисобланган давлат органлари ва ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан қопланади.

11. Қуйидагиларга: фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижрат ташкилотлар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларига давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мазкур қарор талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш ҳамда аниқланган қоидабузарликларни кенг ёриштиш;

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш республика марказига давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ўртасида мазкур қарор талабларига риоя қилиш ҳолати бўйича аноним сўровномалар ўтказиш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда унинг таркибий бўлинмалари давлат органлари ва ташкилотларида давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида бюрократияни, қозғобозликни янада қисқартириш бўйича аниқ ва асосланган тақлифларни киритган ҳолда мазкур қарор ижроси бўйича таъсирчан мониторинг ва таҳлиллар олиб бориш.

13. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокмпанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мақсад ва вазифаларини ёриштишга оид мақолалар ва телекўрсатувларни ташкил этсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 9 декабрь



Кучли парламент — демократия таянчи

1 Парламентарийларнинг ўзи ҳам эндиликда аввалгига нисбатан ўзгача ишлаш лозимлиги, бу борадаги залворли масъулиятни ҳис эътиборлари сезилмоқда.

Мен сайловда илк бор қатнашаётган бир неча номзод билан суҳбатладим. Улар яқинлашиб келаётган сайловда эҳтимол депутатликка сайланар, эҳтимол сайланмас. Аммо суҳбат асосида улар парламент аъзосининг вазифаси ўзи сайланган округни муносиб ўрганиши ҳамда электорат манфаатларини рисоладагидек ҳимоя қилиш эканини теран аниқлашга ишонч ҳосил қилдим. Умид қиламизки, янги парламентдан ўрин оладиган депутатларнинг барчаси айни шу маслакка содиқ бўлади ҳамда Ўзбекистон Президентининг кучли қонун чиқарувчи ҳокимият борасидаги орзу-интилизларини рўйба-р қилари. Зеро, кучли парламент ўзаро боғлиқлик ва қарама-қаршилиқлик тизимининг ажралмас таркибий қисмидир.

Сайловдан сўнг фаолият бошлайдиган янги парламент аъзолари АҚШ Конгресси билан робиталарни кучайтириш, кўмак олиш ёки алмашувларни кенгайтириш истагини билдирса, биз бу борада ҳамкорликка тайёр эканимизни таъкидлашни истардим.

Дарвоқе, мен мазкур масалада парламент раҳбарияти билан аллақачон бир неча бор музокара ўтказдим. Ўзбекистон парламентининг дунё мамлакатлари қонунчилик идоралари, жумладан, АҚШ Конгресси тажрибасини ўрганишга хайрихоҳ экани эътиборга моликдир.

Абдул СОБИР
ёзиб олди.

► Сайлов — 2019



Коррупцияга қарши курашни кучайтириш, тадбиркорликка оид қонун ва тартибларни янада эркинлаштириш тарафдоримиз!

КУЧЛИ ВА АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ САРИ

Миллатнинг гуллаб-яшнашига фақат кучли ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этилган шароитдагина эришиш мумкин. Бунда барча қарорларни қабул қилишда фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари фикрлари инобатга олинади.

Айни пайтда партия ижтимоий шериклик ва жамоат назорати институтларининг изчил кучайтирилиши, бошқарув функцияларининг аксариятини халқнинг ўзига, жамоат бирлашмаларига, ўзини ўзи бошқариш органларига, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига берилиши тарафдоридир. Партия соҳага оид миллий қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг чуқур таҳлили ва илгор хорижий тажрибани ўрганиш асосида қуйидагиларни тақлиф этади:

— нодавлат нотижрат ташкилотлари тўғрисидаги кодексни қабул қилиш ҳамда халқаро амалиётда кенг тарқалган жамоатчилик назоратининг самарали ва таъсирчан шакллари жорий этиш, уларни амалга ошириш механизмларини қонунда батафсил белгилаб қўйиш мақсадида **"Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги** қонунни қайта қўриб чиқиш;

— мамлакатда фуқаролик жамияти ривожланишини, жамият институтларининг давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик даражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни социал-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш ҳамда келгуси беш йилликда **мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантириш концепциясини** қабул қилиш.

Партия жамиятда адолат тантанаси тамойили амалга оширилишини таъминловчи фуқаролик институтларининг кенг тармоғи шакллантирилиши тарафдоридир. Биз давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўта муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, янги инновацион ёндашувларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш чораларини қўллаб-қувватлаймиз. Бу йўналишдаги устувор вазифамиз — фуқаролик жамияти институтларининг ҳаётий муҳим муаммоларини ҳал қилиш, мулкдорлар синфи манфаатларини ҳимоялаш соҳасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини хар томонлама яхшилаш — тўғридан-тўғри демократияни амалга оширишнинг асосий йўли-

дир. Биз жамоат бошқарувида маҳалла фаолияти аҳамияти ва самарадорлигини ошириш, уни халққа амалий ёрдам кўрсатувчи мустақил, кучли ва таъсирчан фуқаролик институтига айлантирамиз.

ЎЗБЕКИСТОН: ИНСОН МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНГАН ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ

Устувор вазифаларимиздан бири — дунёдаги **"қонун устуворлиги индекси"** юқори даражада бўлган 30 та давлат қаторига **Ўзбекистон**нинг киришини таъминлаш ва аҳолининг адолатли судловга ишончини ошириш. Инсоннинг фундаментал ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоялаш, ҳусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судлов ҳолатини тубдан яхшилаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш.

Биз судга бўлган ишонч ва ҳурматни юксалтирамиз. Биз учун суд фаолияти ва мустақиллигининг энг муҳим мезони — фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоялангани, адолатли судлов таъминлангани, яқиний ва барқарор суд қарорларининг қабул қилинганлигидир.

Биз судлар фаолияти очиклиги ва ошқоралигининг кучайтирилиши, **"электрон ва рақамли суд"** концепциясининг амалга оширилиши, судлар томонидан ўз фаолияти ҳақидаги ҳисоботларнинг халқ депутатлари Кенгашларига тақдим этилиши, маҳалла, қорхона ва ташкилотларда кўма суд йиғилишлари ўтказилиши — адолатли суднинг гарови, деб биламиз.

Партия суд тизимини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, адолатли судловдан фойдаланиш имкониятини оширишга қаратилган қуйидаги тақлифларни илгари суради:

— ҳусусий мулк дахлсизлигини, тадбиркорлик ва тадбиркорларни ишончли ҳимоялашни таъминлашда судларнинг ролини кучайтириш, жиомоний ва юридик шахсларнинг кўчмас мулкларини бузиш, давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларини ҳусусий мулк объектларини олиб қўйиш ҳамда тадбиркорлик субъектларига берилган лицензияларни бекор қилиш бўйича қарорларнинг фақат суд томонидан қабул қилиниши, тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида кўрган зарарларини

борасидаги даъволари мuddатларини бекор қилиш ва мuddатсиз эканини кафолатлаш, шу мақсадда **"Судлар тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритиш;

— **"Хабас корпус"** институтининг қўлланилиши соҳасини янада кенгайтириш, суд мустақиллигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органлар ваколатларини қайта қўриб чиқиш, оптималлаштириш. Прокуратура органларининг суд ҳужжатлари бўйича протест келтириш ваколатларини бекор қилиб, уларни тегишли қарорлар бўйича шикоят қилиш ҳуқуқига алмаштириш, прокуратура ваколатларидан унга хос бўлмаган вазифаларни чиқариб ташлаш, тегишли ваколатларни ижро ҳоҳимчиликка бериш. Прокурорларнинг мақоми, уларнинг мустақиллигини таъминлаш масалалари, танлаш ва хизмат погонларидан ўстиришнинг холис мезонлари қонунда аниқ белгиланган бўлиши, ҳокимиятлар бўлинишининг Конституциявий тамойилидан келиб чиқиб Мажбурий ижро бюросини Вазирлар Маҳкамаси тасаруфига ўтказиш зарур;

— вилоятлар микросидаги судларни оптималлаштириш, бирлаштириш, ягона суд раиси бўйсинувига ўтказиш. Ҳусусан, маъмурий судлар томонидан оммавий, моддий ҳуқуққа оид ишлар ҳам амалда қўриб чиқилаётганини инобатга олиб, уларнинг мақомини қайта қўриб чиқиш;

— суд буйғури институтини такомиллаштириш, унинг айрим турлари ўрнига судгача ҳал этиш механизмларини жорий этиш ҳамда боқиманд қарордорликни суд орқали ундириш масаласи ва механизмларини қайта қўриб чиқиш;

— халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлиги борасидаги конституциявий тамойилни ҳаётга изчил татбиқ этиш, судлар фаолиятида халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро

шартномаларидаги тамойиллар ва нормаларнинг кенгроқ қўлланишига эришиш;

— суд тергов институтини такомиллаштириш, Судьялар олий кенгаши ваколатлари ва мақомини қайта қўриб чиқиш, унинг қарор ва ҳулосаларига нисбатан номзодларнинг шикоят қилиш ҳуқуқини назарда тутиш.

Мақсадимиз — суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш. Тергов ва суднинг барча босқичларида, жинсий, фуқаролик, маъмурий ва ҳўжалик ишларини қўриб чиқишда адвокатнинг ролини ошириш асосий вазифаларимиздан саналади.

Адвокатура ва юридик хизматлар кўрсатиш институтиларини ривожлантириш мақсадида партия қуйидагиларни тақлиф этади:

— Адвокатлар палатасининг мустақиллигини амалда таъминлаш, унинг ҳузурда **Адвокатлар академиясини ташкил этиш**, адвокат мақомини олиш учун қўйилган стажировка мuddати ҳақидаги талабни бекор қилиш, адлия тизимининг адвокатура соҳасига аралашувига чек қўйиш;

— адвокатура институти мустақиллиги, адвокатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоясини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилгани тўғрисидаги шикоятларини қўриб чиқиш ва тегишли баҳо бериш масалаларида парламентнинг роли ва аҳамиятини ошириш. Шу мақсадда **Олий Мажлис қуйи палатасида адвокатура институтини мустаҳкамлаш комиссиясини ташкил этиш**;

— нодавлат нотариат институти фаолиятини қайта тиклаш, кенг йўлга қўйиш, нотариал ҳаракатларнинг масофадан туриб, интерактив — электрон хизмат кўринишидаги фаолият соҳасини кенгайтириш, нотариусларнинг нодавлат бирлашма шаклидаги ҳамжамиятини тузиш ҳамда **Нотари-**

ат тўғрисидаги қонуннинг янги тахририни ишлаб чиқиш;

— юридик хизмат кўрсатиш соҳасини янада такомиллаштириш, **"Шартномавий ҳуқуқий база ва юридик хизмат тўғрисида"**, **"Текин юридик ёрдам тўғрисида"**ги қонунларни ҳамда яхлит ҳуқуқий ҳимоя концепциясини ишлаб чиқиш, аҳоли онгида адвокатура ва нотариат институтиларининг хизмат кўрсатуви субъектлар экани тўғрисидаги қарашни шакллантириш, ушбу соҳада ҳусусий сектор ролини оширишга эришамиз.

КОРРУПЦИЯ — ДАВЛАТ ИНҚИРОЗИГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Мақсадимиз — коррупция устидан ғалаба қозониш, мамлакатимизнинг коррупцияни рад этадиган ва бу борада **"ноль тоқатлик"**ка эришган давлатлар қаторига киришига эришиш. Бу борада биз қуйидагиларни тақлиф этамиз:

— сиёсий арбоблар ва давлат хизматчиларининг маблағлари ва мол-мулклари ҳақидаги маълумотларни очиклаштириш ва декларация қилишнинг янги тизимини жорий қилиш;

— давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш механизмларини кучайтириш мақсадида **"Давлат харидлари тўғрисида"**ги қонунни ва электрон харидлар тизимини такомиллаштириш;

— жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими фаолияти самарадорлигини ошириш, уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳуқуқий ва ташкилий-амалий чораларни кучайтириш, қонунчиликдаги жазони оғирлаштириш ёки енгиллаштиришга оид нормаларни қўллаш жараёнидаги инсон омилини бартараф этиш;

— раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланган ва лавозимдан озод этиладиган, парламентга ҳисобдор, Проку-

ратура, ИИБ, ДХХдан мустақил фаолият юритадиган алоҳида давлат органлари — **Коррупцияга қарши кураш** ва **Тергов департаментлари** ташкил этиш;

— парламент палаталаридаги коррупцияга қарши курашни ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталарининг ваколат ва функцияларини кучайтирамиз.

ЛИБЕРАЛ ҚОНУНЛАР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ БЕЛГИСИ

Биз маъмурий, жиноят, жиноят-процессуал ва ҳўжалик қонунчилигини янада эркинлаштириш, айрим жинсий ҳаракатларни криминаллаштиришдан холи қилиш, тадбиркорлик субъектлари жавобгарлигини либераллаштириш, жинсий жазолар ва улар ижросини инсонпарварлаштириш тарафдоримиз.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг янги тахририни ишлаб чиқиш, ювенал естиячини ривожлантириш, мулкчилик тўғрисидаги қонунчиликни тубдан такомиллаштириш, дунёда тан олинган юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқий мақомлари, аутсорсинг механизмининг жорий этиш каби илгор тажрибаларни қонунчилигимизга имплементация қилишни тақлиф этамиз.

Фуқароларнинг ҳуқуқий билимлари ва онглини юксалтириш, жамиятда қонунни ҳурмат қилиш ва инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш, ушбу йўналишда давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлиги ташкил этилишини муҳим, деб биламиз. Шахсий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш мақсадида **"қонунда тақиқланмаган барча нарса мумкин"** тамойилини ҳаётга татбиқ этишни тақлиф этамиз.

Нуриддин МУРОДОВ,
ЎзЛиДеП Сийсий Кенгаши
Ижроия қўмитаси котибият мудири.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси номзодларига ҚВЎЗ БЕРИНГ!

Ватан — мадҳинг янгрисин токи бор жаҳон!

«Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!»
У аввало Ҳақни, оламни, башариётни ўзига дўст деб билган,
меҳри ўзидан улуг эбининг ихтиёрномасидир.

«Яшнагай то абд илму фан, ижод.»
У азалдан абад қадар илму маърифат қарвонлари тиним билмай-
диган, ижод олами ёруғ нур сочиб турган мангу яшил бўстон Ўзбеки-
стон ҳақидаги саодатномасидир.

«Шухратинг порласин токи бор жаҳон!»
У ўз шухрати билан жаҳон ичра жаҳоний юксаклик топган диёр
ҳақидаги, миллий давлатчилик, илму заковат бобида ажодлар ола-
ми маҳлиб этган, эзгуликка мударрислик қилган маърифатли халқ
ҳақидаги муваззам жаҳонномадир.

«Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон.»
У тупроғи зар, водийлари олтиндан-да бебаҳо, ҳар бир гиёҳи —
жаҳон маҳлиб, оламларга жон бўлган эл ҳақидаги мадҳномадир.

«Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!»
У Широғу Тўмарис, Спитамену Маҳмуд Торобий, Жалолиддин Ман-
губердию Темур Малик, Амир Темурю теурилар, бобурийлар каби
мардона аждодлари руҳи ҳар қадамда буюклиқдан сўйлаётган эл
ҳақидаги шижоатномадир.

«Улуг халқ қудрати жўш урган замон.»
У бугун қўлида мустақиллик яловини баланд кўтариб шижоатли
раҳнамаси бошчилигида тараққиётнинг янги даврига қадам қўйган,
«Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» дадил ва қатъий бил-
лан одимлаб бораётган, кўксидан тоғлар яраётган улуг халқ қудра-
ти, бунёдкорлиги, илму ижоди жўш ураётган, дунё эҳтиром эътаб-
давлат ҳақидаги боқий шижоатномадир.

«Оламни маҳлиб айлаган дийр!»
У азму шижоати, шиддати билан оламни маҳлиб айлаётган, олам
эҳтирофи эътабган янги ўйғониш даврига қадам қўйган миллат ҳақида-
ги шажоатномадир.

«Бағри кенг Ўзбекистон ўчмас иймони.»
У қалби иймон ирфон қўшига уфқу осмон бўлган Бухорийлар,
Кубролар, Термизийлар, Наҳшбандийлар камол топган, бағридаги 130
дан зиёд миллатлар ҳамжihatлигида яқдиллик билан меҳр боғини
яратган бобгон эл ҳақидаги эҳтирофномадир.

«Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!»
У ҳар бир фарзанди қалбида Ибн Синолар, Мухаммад Хоразмий,
Абу Наср Форобий, Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоийлар ши-
вирлаб турган, бугун улуг Ватан қанот бахш этиб янги ўйғониш даври
сари йўллаётган эл жигарбандлари орузлари ҳақидаги умидномадир.

«Истиқлол машаали тинчлик посбони.»
У ҳар сўзини тинчлик ҳақидаги ният билан бошлаб, тинчлик ҳақида-
ги тилак билан якунлайдиган, тонгдан оқшом қадар бани одаму оламга
тинчлик тилайдиган, эзгуликка посбон, жаҳолат оловини маърифат
найсонлари билан ўчирадиган қалби ўйғок миллатга бахшномадир.

«Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл омон!»
У бунёду яратиб, адлу инсофу шукронаси билан Ҳақни севган,
Ҳаққа-да сеvimли бўлган, мангулик оламиди одамий эл ҳақидаги
асл таърифномадир.

Эл ва Ҳақ муҳаббатига қовушган устозлар Абдулла Орипов, Мутал
Бурхонновлар бу заминдаги тоғларнинг улғуворлиги, бекиёс неъмат
тутаётган замин меҳру саховати, Аму ва Сир дарёларининг тугёли
тўқинларидан руҳлиб, ҳар заррасида қўш ўйнаган Қизилкум ши-
врига қулқ тугиб, буюк аждодлар нияту мақсадларини дилга кўчи-
рди. Она замин нафаси ила ёзилган бахтонома яратди.

Шукри, ҳар тонгни осуда осмон остида мадҳиямиз садолари билан
қарши оламиз. Қалбимизда янги кунга, истиқлолга ва бугунги
тинч-осойишта ҳаётимизга шукроналик, келажакка қатъий ишонч туй-
ғуси жўш уради.

Минҳожиддин МИРЗО,
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари.
—З.А.

«Ҳамкасблар

Журналистика шундай соҳаки, уни ҳамма ҳам бирдек эгаллай олмайди. Бу касб-ни танлаган одам фақат қаламни тебрата биладиган эмас, балки самимий, фидойи, дунёқарашли кенг, билимдон, ўз позициясига эга, профессионал бўлиши талаб этилади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Бекқул Эгамқулов шундай хислатларга эга инсонлардан бири.

Қадрдон иним

Қирқ йиллик журналистик фаолияти давомида у «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Халқ сўзи», «Маҳалла», «Iste molchi» каби газеталар, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — Ҳақда турли лавозимларда ишлади. Айни пайтда эса «Бизнес-Daily Media» ноширлик уйи бош директори вазифасида фаолият кўрсатиш билан бирга, «Ўзбекистон кишлоқ ва сув хўжалиги» журналининг ҳам юқори савиали, ўқишли бўлишига ҳисса қўшиб келмоқда.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасидаги муҳит Бекқулнинг халоллик, касбга садоқат, билимдонлик руҳида улғайтирди. Шу ерда у «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» унвонига мушарраф бўлди. Бекқул ўша йилларнинг ҳам билан ёдга олади, зеро, адабиёт газетаси унинг ҳаётида камолот мактаби вази-
фаси бажарди. Бу мактабда олган амалий билим ва кўникмаларини Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Халқ сўзи» газетасида ишлаган йилларида ёшларга ҳам ўргатишга интилди. Улардан экинчи мароқатларини ямади. Бугунги кунда унинг шоғирдлари турли ташиқлотларда масъул лавозимларда, нуфузли наشرларда меҳнат қилиб келмоқда. Ижод аҳлининг кўнгил нозик бўлади. Б.Эгамқулов шоғирдларига бағрикенглик билан, хато-камчиликларини гўё рағбатлантиришдек қилиб, ўқитиб, ўқитиб келади. Шоғирдлар ҳам кўнгилдарё устозларини эслаб, йўлбаб турши Б.Эгамқулов учун катта бир давлат.

Биз Бекқул билан ўттиз йиллик қадрдонимиз. Ундаги самимият, камтарлик, ижодга мойиллик гўё аждодлардан меросдек туолади менга. Отаси Эгамқул бобо билан суҳбатлашган одамнинг образли, енгил юморга бой қочиринми иборалар билан фикрла-

рини баён этишини кўриб хайратланарди. Ваҳоланки, отахон бир умр кишлоқда мироб бўлиб ишлаган. Бундан саккиз йил муқаддам сеvimли ёзувчимиз Пиримқул Кодиров Бекқулнинг уйига кўнгирак қилади. Гўшаки Эгамқул бобо олади ва улар бир соатдан ошиқроқ суҳбатлашадилар. Эртаси кун Пиримқул ака Бекқулга кўнгирак қилиб «Отангиз билан мириқиб суҳбатлашдик, гўё кишлоғимга бориб келгандек бўлдим. Отангизнинг гапларидан шундоққина кишлоқнинг хиди келиб турибди», дейди хаяжонлана. Волидаси Бухолқ момо ҳам ҳар бир гапини мақол билан ифодалайдиган онахон эди.

Б.Эгамқуловнинг қирқ йиллик муҳбирлик йўлига назар ташлаб қанаот ҳосил қиласан, эътиқодга содиқлик, принципаллик бу касб соҳибларини (бошқа касбларда ҳам) юзини ёруғ, кўнглини хотир-
жам этажигида муҳим омил эканига амин бўласан киши. Зеро, қайси ижодий даргоҳда ишласан у эл-юрт манфаати мезонидан чекинган эмас. Ҳозир ҳам шу мезондан келиб чиқиб жамиятимиздаги воқеа-ҳодисаларга ўз нуқтаи назарини билдириб келмоқда. «Нега долларда?», «Номзоднинг сўхов эмасми?», «Қоғозбозлик ҳали ўлмаган?», «Қотил ким?» каби таҳлилий-танқидий мақолалари кенг жамоатчилик эътиборини тортганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Ваҳоланки, Б.Эгамқулов йиллар давомида бундай мақолалардан кўпини ёзган ва ёзиб келмоқда.

Атрофга назар ташласангиз ҳабарий матбуот таҳлилий матбуотга қараганда тобора ортиб бормоқда. Бу турли воқеа-ҳодисалардан тезкор ҳабардор бўлиш нуқтаи назаридан яхшидир, лекин бундай ҳолатда саводхонлик иккинчи даражага тушиб қолаётгани ҳам бор гап. Мазкур жараён айнакча, «сарик матбуот»да, иж-

тимоий тармоқлардаги сайтлар ва қайсидир соҳага ихтисослашган хусусий наشرларда кўп кузатилаётди. Шулар ҳақида мулоҳаза қилиб айтиш мумкинки, Б.Эгамқулов каби таҳлилий мақолалар ёзадиган журналистлар меҳнатининг қадри жуда баланддир.

Бекқул сўнги йилларда дунёга машҳур одамлар ҳаёти ҳақида ҳам мақолалар ёзаяпти. Уларда бу инсонларнинг тақдирлари иродали-иродасиз оналари, қалб кечинмалари, турмушидаги бахтли, қайғули кунлари ҳақида хикоя қилинади. Унинг ушбу мақолалари яқинда чоп этилган «Бахт ярим, қайғу ярим...» номли китобидан ўрин олган. Китобга киритилган Жек Лондон, Иоганн Моцарт, Адриано Челентано, Алишер Усмонов, Мухаммад Али каби кўплаб таъкилий инсонлар ҳақидаги мақолалар ўқувчини қизиқтиради, шубҳасиз. Зеро, уларни ўқиган киши кўплаб янги маълумотлар олади, мақола қаҳрамонларининг номаълум қирраларини кашф этади.

Мен ушбу китобни ўқиб бўлган шундай хулосага келдим. Мақсад ўқувчиларни машҳур одамларнинг ҳаёти, босиб ўтган йўли, қувонч ва ташвишлари, фожиалари билан таништиришга эмас, балки уларнинг ҳаётидан хулоса чиқаришга ундашдир. Эътибор берган бўлсангиз, дунё танийдиган, бойлигининг чеку чегараси йўқ одамлар ҳам тўла бахтли эмас, ҳаётининг қайсидир жойида кемтик бор, қайғу бор, фожа бор. Демократик, машҳурлик, бойлик ҳеч нарсага хал қилмайди. Инсон тўла бахтли бўлиши учун шунинг ўзи етарли эмас.

Китобда қаҳрамонлар қалбига қиришга, уларнинг маънавий, руҳий дунёсини очишга ҳаракат қилинган. Мен мазкур китобни ўқигунимга қадар Мерлин Монро ҳақида мутлақо бошқача тасаввурда эдим: Машҳур актриса ҳақидаги



мақолани мутлақо қилган, тасаввурларим ўзгарди. «Голливуд бир бўсанг учун минг доллар берадиган, аммо қалбингни сариқ чақага ҳам олмайдиган маскан. Мен у ердигиларнинг кўпига рад жабовини берганман, менинг қалбим сотилмайди... Бу дунёда етишмайдиган нарса инсонларнинг бир-бирига бўлган меҳридир...» дейди актриса. Менимча, бу гаплар машҳурлик ва бойлик туйғули ҳеч нарсага эриша олмаган инсоннинг хулосалари.

Инсон шаъни машҳурликдан ҳам, бойликдан ҳам осмон қадар баланд. Китобда таниқил боксчи Мухаммад Али ҳақидаги мақолани ўқигунимда айнан шундай хулосага келдим. У Олимпиада чемпиони бўлиб, АҚШга қайтган, уни қора танли бўлгани учун ресторонга киритишмайди. Бундай ҳурликка чидай олмаган Мухаммад Али Олимпиада олтин медалини дарёга улоқтирди. Менимча, бу ҳам инсонни ўйлашга, хулоса чиқаришга ундайдиган воқеа.

Умуман олганда, муаллиф машҳурлар қалбига назар ташлайди ва улар ҳаётидаги шундай нозик жиҳатларни топади ҳам. Китобнинг тарбиявий аҳамияти ҳам шунда.

Қўриқда таъкидлаганимиздек, журналистика фидойилик талаб қиладиган касб. Баъзан кунни тунга улаб газета чиқаришга, баъзан битта мақола ёзиш учун бир неча кунлаб вилоятларда, олис кишлоқларда қилиб кетишга, баъзан одил йўлдан таймаслик учун қимларгадир ёмон кўринишга тўғри келади. Бекқул дўстимиз шуларнинг ҳаммасини бошидан кечириб, журналистиканинг қаттиқ, лекин беиминат нонини ёб келётган фидойи журналистлардан биридир.

Тоҳир ДОЛИБЕВ.

«Соҳа

Суд иши замирида инсон омили, тақдирлар ётади. Ушбу жараёнда тақдим этиладиган ҳар бир маълумот ёки ахборот инсоннинг кейинги ҳаётини ҳал қилиши мумкин. Шу боис суд ишларининг ҳолис ва адолатли ўтишида суд таҳлиллари ҳам шу мезонга жавоб бера олиши лозим.

Адлия вазирлиги ҳўзурдаги Халқча Сулаймонова номидаги суд-экспертиза маркази, Одам ДНКси суд биологик экспертизаси лабораторияси мудири Дилобар АХМЕДОВА билан суҳбатимиз айни соҳа фаолиятига оид айрим масалалар хусусида бўлди.

Бутун дунёда ДНК таҳлили энг ишончли таҳлил ҳисобланади

— **Айтингчи, Ўзбекистонда суд-экспертиза соҳаси қанчалик ривожланган? Қолаверса, ДНК тушунчасига соддарок тарзда изох бериб ўтсангиз?**

— Мамлакатимизда бу соҳа 2000 йилгача деврили бўлмаган. Ўша йиллари кўпгина катта жиноятлар содир бўлганда, айтайлик, қотилни аниқлаш учун профессионал экспертиза таҳлиliga талаб ошди. Шундан кейин соҳадаги илк қадамлар қўйилди ва Адлия вазирлиги қошида ушбу марказ очилди. Лабораториянинг раҳбари этиб ташаббускор генетик олим, биология фанлари номзоди Аббор Икромов тайинланди. Унинг раҳбарлигида 2000 йил сентябрь ойида Ўрта Осиё минтақасида биринчи бор яқин қариндошликни аниқлашга ҳамда шахс идентификацияси билан боғлиқ бўлган бир қанча экспертизалар ўтказишга эришилди. Дастлаб лабораториянинг штат бириги тўрт кишидан иборат бўлган, ҳозирги вақтга келиб 12 нафарга етди. Мазкур лаборатория қўйидаги асосий масалаларни ҳал қилади: генетик тадқиқотлар асосида жиноят содир этилган жойда аниқланган биологик излар, (қон, сўлак, маий доғлари) ва биологик материаллар, соч, суяк қолдиқлари, таниб бўлмайдиган ҳолатга келган тана қолдиқларини солиштирма намуналарга нисбатан солиштирма-қўёсий таҳлилни натижасида айнан кимга те-

гишлигини аниқлаш. Генетик тадқиқотлар орқали яқин қариндошликни аниқлаш. Бундай экспертизалар асосан фуқаролик ишлари бўйича ўтказилади. Тадқиқотлар натижасида гумонда бўлган шахсларнинг биологик ота ёки оналиги қатъий аниқланади. ДНК атамаси ҳақида тўхталадиган бўлса, бу (ДНК — дезоксирибонуклеиновая кислота) соҳа барча организмлар, жумладан, бактерия ва вирусларнинг ҳар томонлама таҳлили, инсонларнинг ирсий таҳлили ва бошқа генетик тадқиқотларни олиб боради. Бундан ташқари, бугунги кунда ДНКни кўпдан-кўп соҳа ва тармоқлар «ичи»га қирадиган катта институт деса бўлади.

— **Экспертизанинг нечта йўналиши бор ва энг кўп қайси йўналишларда иш олиб борилади?**

— Бугунги кунда Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказида одам ДНКси суд биологик экспертизаси, суд бухгалтерияси экспертизаси, суд қурилиш техника экспертизаси, суд автотехника экспертизаси, суд фонографик экспертиза ва бошқа турдаги экспертиза тадқиқотлари мавжуд.

Мисол учун, одам ДНКси суд биологик экспертизасини олиб қўрайлик. Ушбу экспертиза тадқиқоти тақдим этилган таҳлил намуналарини ўрганиш орқали фарзанднинг биологик отаси ёки онаси аниқланади. Бундан



ташқари, воқеа жойида топиладиган қон излари ёки соч толлари ДНК экспертиза тадқиқотларини ўтказиш орқали кимга тегишли экани маълум қилинади. Бу кўрсаткичлар содир этилган жиноят ишларини очишда, айбдор шахсларни аниқлашда дадил бўлиб хизмат қилади. Суд қурилиш техника экспертизаси орқали объектлар қурилиш техникаси қондаларига риёв қилинган, шахарозлик мейёрлари аниқланади. Суд автотехника экспертизаси орқали эса мисол

учун автотранспорт ҳодисаси кимнинг айби билан содир этилгани, ҳодиса натижасида етказилган зарар ва шу каби бошқа саволларга жавоб олинади. Марказимизда наркотик воситалар, психотроп моддалар, қимматбаҳо металллар ва тошлар, улардан тайёрланган буюмлар, ўқотар қуроллар, ўқдорилар, пул белгилири ва юқори қимматга ёки аҳамиятга эга бўлган бошқа объектлар бўйича экспертиза тадқиқотлари ҳам ўтказилади.

— **Иш тартиби қандай кечади? Экспертиза қайси ускуналарда аниқланади?**

— ДНК таҳлиллари бутун дунёнинг энг сўнги махсус ускуналарида аниқланади. Бошқа ривожланган мамлакатларда ДНК таҳлили учун қандай усул ва йўналишдан фойдаланилса, биз ҳам шу усулдан фойдаланамиз. Бизда ДНК экспертиза-

талабга жавоб беради. Ўзбекистонда ҳам ДНК экспертизасини ўтказишга АҚШнинг «Termpo Fisher» корпорацияси реагент ва сарф материаллари ишлатилади.

— **ДНК маълумотлари нотўғри чиқishi мумкинми? Ниҳоятга бериладиган маълумотнинг юз фоиз аниқлигига кафолат борми?**

— Бутун дунёда ДНК таҳлили энг ишончли таҳлил ҳисобланади. ДНК экспертизасини ўтказиш учун нодавлат суд экспертиза муассасалари ISO 17025 халқаро стандарти бўйича аккредитациядан ўтган ва махсус лицензияга эга бўлиши шартлиги белгилан қўйилган. Чет эл судлари ишларни кўриб чиқиш жараёнида ДНК экспертизаси хулосасига баҳо берадирок, биринчи навбатда лаборатория аккредитациядан ўтган ёки ўтмаганлигига аҳамият қаратади.

Биз Ўрта Осиёда (Қозғистондан ташқари) суд экспертизасига эга бўлган ягона давлатимиз. Айни пайтда ISO 17025 аккредитациясидан ўтиш учун катта тайёрларлик кўраш керак. Имтиҳондан ўтиш учун шу пайтгача йилган ва тақдим этилган барча таҳлилларни бир тизимга жойлаштиришимиз зарур. Ҳозир ушбу тизим устида иш олиб бораёмиш. Экспертиза соҳасида билими кўчи мутахассис бўлишнинг ўзи камлик қилади. Билим билан биргаликда виждонли, поккўнгли инсон бўлиш лозим. Сабаби, биз тақдим этилган таҳлиллар, маълумотлар инсон тақдирини бутунлай ўзгартириши мумкин. Ҳеч бир эксперт йиллар давомида мисқоллаб топган обрўини нотўғри хулоса тақдим этиб тўқини истамайди. Яна бир ҳолат борки, суд қайта текширувни талаб қилса, ишни бу гал бошқа экспертга топширади.

— **ДНК натижалари эълон қилинаётган вақтда 99,99 фоиз тарзда кўрсатилади. Таҳлил ўтказилганда халқаро талабларга кўра, биологик ота-оналиқнинг эҳтимоллик даражаси 99,99 фоиздан кам бўлса, оталик (оналик)ни тасдиқлашга асос бўлади.**

Нима сабабдан 100 фоиз оталик (оналик)ни тасдиқлаш мумкин эмас, деган саволга соҳа мутахассислари томонидан қуйидагича изох берилади. Ҳар бир одамнинг 100 фоиз тақдирини тақдирини бутунлай ўзгартириши мумкин. Ҳеч бир эксперт йиллар давомида мисқоллаб топган обрўини нотўғри хулоса тақдим этиб тўқини истамайди. Яна бир ҳолат борки, суд қайта текширувни талаб қилса, ишни бу гал бошқа экспертга топширади.

— **Юртимизда ўтказилган экспертиза хулосалари чет элда ҳам тан олинадими?**

— Ҳа. Аммо бутун дунёда тан олинishi учун ISO 17025 аккредитациядан ўтишимиз лозим. Шу пайтгача Ўрта Осиё давлатларининг экспертизалари

ривожланган эгизаги бўлиш эҳтимоли мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди. Бир тухумдан ривожланган эгизаклар ДНКси айнан бир хил бўлади. Бундай ҳолларда эгизаклардан айнан қайси бири текшириладиган боланинг биологик отаси эканлигини аниқлашнинг иложи бўлмайди. Айнан шу нуқтага назардан, ДНК таҳлили асосида аниқланган оталик эҳтимоллик даражасини 100 фоиз деб аталмайди. Аммо бу борада хатоликка ўрин қолмайди. 99,99 фоиз асос билан оталик аниқлаштириб берилади.

— **Соҳангизда қандай кутилмаган воқеалар бўлиб туради?**

— Бизда гоҳида иш юзасида баъзи бир оилавий сирлар ҳам очилиб кетади. Бундай воқеаларга ўзим ҳам дуч келганман. Масалан, бир оиланинг иккинчи қиздан кейин туғилган ўн беш ёшли ўғли битирув кечаси кунни бедарак йўқолган. Орадан кўп вақт ўтиб, сувдан шахсини аниқлаб бўлмайдиган даражадаги мурда топилиган. Йўқолган боланинг ота-онасига ҳабар берилганида, балки мурда ўғлимиздир деб текширувга рози бўлишди. Мурданнинг шахсини аниқлаш учун ДНК текширувини ўтказдик. Таҳлилда оналик тасдиқланди, аммо оталик тасдиқланмади, қариндош деб кўрсатилди. Кўшимча гумдондорларнинг ҳам ДНК маълумотларини текширганимизда мурданинг асл отаси амакиси бўлиб чиқди. Минг афсуски, фаолиятимизда шунга ўхшаш ҳолатлар ҳам учраб туради.

— **Ушбу соҳа вақиллари ҳам малака ошириб турадими? Қайси давлатлар билан ҳамкорликда ишлайсизлар?**

— Фаолиятимизни энди бошлаган кезларимизда Германияда малакамизни ошириб келганмиз. 2017 йилдан буюв экспертизлар учун махсус имтиҳон ва семинарлар бўлиб ўтмоқда. Чет элдан энг малакали экспертлар келиб, ДНК аниқлашнинг янги турлари билан таништириб борапти.

— **Юртимизда ўтказилган экспертиза хулосалари чет элда ҳам тан олинадими?**

— Ҳа. Аммо бутун дунёда тан олинishi учун ISO 17025 аккредитациядан ўтишимиз лозим. Шу пайтгача Ўрта Осиё давлатларининг экспертизалари

ривожланган эгизаги бўлиш эҳтимоли мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди.

— **Ўтган йили Қозғистонда рўй берган фалокат тўғрисида автобусда ёниб кетган ватандошларимизнинг шахсини аниқлаш ишларини сизлар олиб борган экансиз. Агар сир бўлмаса, ўша жараён қандай кечган?**


— Қозғистон Республикаси Актўбе шаҳри яқинида содир бўлган автобус ёнғини натижасида кўплаб Ўзбекистон фуқаролари ҳалок бўлган. Мурдаларнинг ташқи кўринишига қараб шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган. Тергов идоралари топшириғи бўйича тезда ДНК экспертизаларини ўтказишга киришдик. Тун-у кун ишлаб, терговга 51 нафар ватандошларимизнинг шахсини маълум қилганмиз. Тергов бизга 52-шахсини ҳам аниқлашни топширган эди. 52-шахс ёнғиннинг энг марказида бўлгани учун деврили бутун жойи қолмаган экан. Шундай бўлса-да, Аллоҳнинг мўъжизаси билан омон қолган тана қисмининг бўлагидан шахсини аниқлашга эришганмиз.

Гоҳида бизга берилган намуналарда ДНК хулосасини аниқ тақдим этиш имконияти кам бўлади. Воқеа жойини синчковлик билан текширишга тўғри келади. Афсуски, бизнинг воқеа жойига чиқишга ваколатимиз йўқ. Биз суд тақдим этган материаллар бўйича фаолият олиб борамиз. Жиноятларни очишда оз бўлсада, ҳиссамизни қўша олсак бундан фақат хурсанд бўламиз. Бир йили Жиззахдаги банкдан катта миқдорда пулларни ўғирлаб кетишганда жиноятчининг бармоқ изларидан қолган тер ёғ ажралмаларига қараб, уни аниқлаганимиз. Яна бир йили эса Чирчиқда ўта оғир жиноят содир этилган. Унда бир оиланинг ҳамма аъзоси ўлдириб кетилган. Уйда қолган қон доғларини ДНК бўйича текширганимизда, оила аъзоларига тегишли бўлган белгилар қон топилиган. Шу қон орқали жиноятчи аниқланган.

— **Ҳа, фаолиятларингиз анча масъулият талаб этар экан. Чарчаманг. Суҳбат учун раҳмат.**

«Hurriyat» муҳбири
Феруза РАҲИМОВА
суҳбатлашди.

Адиб ИЛТИЖОСИ



1 "Мен ўзим ҳақимда ёзаётганимда, гапни бугун "феодал ўтмиш" деб аталаётган ўтмиш ҳаётимдан бошлашим мумкин, — дейди Чингиз Айтматов. — Мен шекер уруғиданман. Бу уруғ шажарамнинг боши. Отамнинг исми Тўракул, унинг отаси Айтмат, Айтматнинг отаси Кимбилди, Кимбилдининг отаси Кўнжикўж..."

Таниқли қирғиз олими Ўсмоноҳун Ибраимовнинг Чингиз Айтматовга бағишланган китобда ёзувчининг олис авлодлари ҳақида гоёт қизиқарли маълумотлар келтирилган. Уларга кўра, Чингиз ога туғилган Шекер овули шу ном билан аталувчи қирғиз уруғи номидан олинган бўлиб, "қитай" уруғининг чап қанотидан таркаган. Ёзувчининг синглиси Роза (Розалия) Айтматованинг хотираларида келтирилишича, "қитай" уруғининг тарихи қуйидагича: "Бир гал уруғнинг асосчиси бўлиш Кубанинг набираси Каранай қўшни худудларда жойлашган хитой қабилалари билан жангда ғолиб келиб, овулга ўлжа билан қайтаётганида чорлар унга ўғиллик бўлганини хабар қилишди. Уша тунда осмонда янги ой кўринди. Чақалоққа "қутлуг" ва "ой" сўзларидан келиб чиқиб, "Кут-ой" деган исм беришди. Кейинчалик бу исм "қитай" (қирғизча ёзилиши "кытай") тарзида қўлланилиб, йирик сулолага асос бўлади.

Чингиз Айтматов бир гал суҳбатдошларининг кўп такрорланган саволига жавоб бериб, "Мен Хитой императорлари уруғиданман" деган экан. У.Ибраимов "Ушанда аввалига ҳаммамиз хайрон бўлганмиш, кейин адибнинг бу ҳазилидан мириқиб кулганмиш. Чунки, қитай уруғининг бугунги этник хитойларга мутлақо алоқаси йўқ. Аммо... кейинчалик бу жавоб ҳазил эмасдир, деб ҳам ўйлаганмиш", дейди. Бунда у адибнинг қуйидаги ҳикоясини назарда тутгани аниқ.

Қадимда қирғиз қабилалари қўшни худудларда яшайдиган хитойлар устига тез-тез бостириб бориб, уларнинг мол-мулкани аёвсиз талашар экан. Хитойлар босқинчиларни тинчитиш, қўлга тушганларни жазолашга ҳар қанча уринишмасин, уларнинг бу ҳаракатлари натижа бермаган. Чунки, қирғизлар зудлик билан орқага қайтиб, баланд тоғ чўққилари орасида ғойиб бўлишар экан. Хитойлар улар яшаётган худудларга келсалар-да, талончиларни топа олмай, сарсон бўлиб орқаларига қайтиб кетишаркан.

Хитой императори талончиларнинг қилмишларидан хуноб бўлиб, бир кун яқинларини ёнига чорлабди-да, уларга қирғиз хони билан учрашув уюштиришни буюрибди. Учрашув пайти томонлар муроасага келишибди: қирғизлар талончиликни бас қилишди, Хитой императори эса ўзининг суюкли қизларидан бирини хонга тортиқ қилади. Орадан бир йил ўтгач, хитойлик келин ўғил туғди. Чақалоқни бошқа хотинлардан туғилган болалардан фарқлаш учун аввалига "Хитой келинининг ўғли", кейин "Қитай бола", бора-бора "Қитай" деб атайдиган бўлишиб-

ди (Қаранг: Айтматова Р. Белье страници истории. Бишкек, 2013. С.44).

Қитайдан туғилган болага Тулку деб исм қўйишди. Тулкудан Байтикке, Буудай ва Богожуу туғилди. Байтикенинг фарзандлари Тонтогор ва Қўйра. Тонтогорнинг ўғли Шакер. Шакернинг ўғли Қудайназар. Қудайназарнинг ўғиллари Асан-Усен. Асеннинг ўғли Табилди. Табилдининг ўғиллари Қонжуқоқ ва Танабой. Қонжуқоқнинг ўғиллари Жанали ва Тинали. Тиналининг ўғли Кимбилди. Кимбилдининг ўғиллари Биримкул ва Айтмат.

Биримкул (Айтматнинг акаси) икки хотиндан учта фарзанд кўради: Алимкул, Озубек, Керимбек. Айтмат ва Ойимхондан беш фарзанд туғилган: Айимкул, Тўракул, Қорақиз, Гулойим ва Рискулбек. Тўракул эса тўрт фарзанднинг отаси бўлган: Чингиз, Илгиз, Люция (Люся) ва Розалия (Роза).

Роза Айтматованинг хотираларида қайтамиз. "Бизнинг шажарамиз она томондан XIX асрда Ўрта Осиёга кўчиб келган мусулмон татарларга бориб тақалади. Қариндошларимизнинг айтишларича, онамизнинг авлодлари илм-маърифатли ўқитувчилар, коммерсантлар, диний арбоблар бўлишган. Бобомиз Ҳамза Абдувалиев 2-ғилдияли рус савдогари, танikli мулкдор бўлиб, хомийлик ишлари билан ном қозонган. Унинг қалин қор тагида қолиб, ем-хашакдан қийналаётган чорвадорларга ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги мурожаати босилиб чиққан маҳаллий газета сакланиб қолган.

Ёзувчининг онаси Нағима Ҳамзаевна Айтматова (Абдувалиева) қалбан гўзал, ўз даврининг илғор гоёлари билан қуролланган маърифатли, турмуш ўртоғи Тўракулга садоқатли аёл бўлган. Ўғли Чингизнинг тақдирида унинг тарбияси ва беадоқ меҳри муҳим аҳамият касб этган, энг оғир пайтларда, масалан, эри қамоққа олиниб, рўзгор ташвишларидан қадди букилганда ҳам болалари тўғрисида дам-хўрлик қилишдан тўхтамайди.

Бир гал Нағима фолбин аёлга учраб, ундан турмуш ўртоғининг тақдири тўғрисида сўрайди. Фолбин Тўракул тўғрисида ҳеч нима демайди, аммо "Болаларингдан бири дунё танийдиган одам бўлади", дейди.

Абдувалиевлар оиласининг шажараси қуйидагича: Йосиф — Халил — Габдрашит — Гайса — Габделвали (1800) — Ҳасан-Ҳамза (1850-1932) — Нағима (1904). Шажарада Абдувалиев ва Утмишевлар сулоласи Татаристонда таниқли Ишманлар сулоласининг ёнма-ён икки новдаси дейилади. Роза Айтматова бу сулоладан икки юзга яқин таниқли кишилар етишиб чиққани тўғрисида ёзма ҳужжатлар борлигини айтади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Қирғизлар бобо ва буви (момо)ни "Тай ата", "Тай эне" ("Катта ота", "Катта буви") дейишади. Водийда эндигина йўлга кирган болани "Той бола" деб эркатлаш одат. Қадимги хитой юришлари Фарғона водийсида бўлганини эсласак, У. Ибраимовнинг иккиланшида жон

борга ўхшайди. У адиб шажараси ҳақидаги фикрини шундай яқунлайди: "Айтматовнинг томирларида қандай қон оқишдан қатъи назар, Ўлжас Сулаймонов ҳақ гапни лўнда қилиб айтиб қўйган: "Чингиз — рухнинг хокони, сўзининг подшоши". Бу мартаба императорликдан баланд".

Ёзувчининг онаси Нағима Ҳамзаевна ҳақида кўп ёзилмаган. Аммо бу муштипар аёл бошига тушган азоб-уқубатлар озмунча эмас. Тўракул билан танишгач, оила ҳаёти ҳавас қиларли даражада бошланади. Икки ёш саммий муҳаббат билан бир-бирларига суянадилар, фарзандлари улғайиб, ёнларига киришларини орзу қилишади. Аммо... бахтли онлар узокка чўзилмайди. Тўракул оиласи ва болаларини Москвадан поездга ўтказиб, юртга қайтараятганидаёқ Нағиманинг кўнглида машъум хавотир уйғонади. Ишидан хато топишган бўлса-чи? Ундай деса, хато қилганига, янглишганига ишоний қийин. Болшевиклар ишига садоқатли, Ленин асарларини тинимсиз ўқиган, Москвада марксизм-ленинизм институтида, қизил профессура курсларида таълим олган, Қирғизистонда партия-совет идораларида юқори мансабларда ишлаган кишида қандай хато бўлиши мумкин?

✓ "Отам ҳақида ўйласам, у кўз ўнгимда ҳамisha кўмирдек қоп-қора, бир жойида озроқ оқи бор қуюқ сочли, далада қиядиган қўйлаги, кўнжли булғор этиги билан гавдаланади. У кўпинча қўш от қўшилган чарм ўриндиқли аравада юрар, олдинда эса аравакаш ўтирарди. Отамнинг қиёфаси билан бирга, Фарғона тарафдаги пахса ёки гува-ла билан ўралган томи текис, бир-бирига ўхшаб кетадиган пастқам уйларни ҳам эслайман. Фарғоналикларнинг туриш-турмуши ўзига яраша эди. Бу ерда одамлар аҳил-иноқ кун кечиринишади. Қишлоқларда кексаларнинг хурмати жойига қўйишади. Оқсоқолларнинг гапи эрқагу аёл, катта-ю кичик — ҳамма учун қонундай гап. Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам қишлоқдошлар бир-бирларини ёлғизлатиб қўйишмайди. Ўзбекистонда ҳозир ҳам шундай..."

Чингиз Айтматовнинг "Болалигим" хотира қиссасида қуйидагиларни ўқиймиз: "1937 йилнинг боши. Сийёсий таъқиблар қўллар қатори отамнинг ҳам гирбонидан тутиб, бўға бошлаган пайт эди... Отамнинг кўнгли бирон нохушлик бўлишини олдиндан сезгандек, бизни юртимизга қайтариб юборишга ҳаракат қила бошлади. Назаримда, у тақдири азалининг хийла-найрангларидан, қисматдан қочиб қутуладиган йўл йўқлигига кўзи етиб, бундан бизни асраш зарурлигини ҳис қилганча оиласини шу тақдир гирдобидан узок-

лаштиришни ўйларди... Кўнглим аллақандай нохушликни сезди. Бу юмларимизни йиғиштираётган отам билан онамнинг қайгули чехралари, кўрқув тўла қўллари бундан ишора бериб тургандай эди. Отам биз билан уйга қайтмоқчи эмасди. Унга иш жойидан руҳсат беришмаганини билардим..."

Нағима шубҳа-гумонлар гирдобига фарқ бўлганча, турмуш ўртоғи билан поезд перронидан хайрлашиб, болаларини бағрига босиб, уйга қайтади. Адибнинг укаси Рискулбекнинг уйида яшаши, Тўракулнинг қайтиб келишини узок кутишади. Умид чирोगи бир кун ийиб қолар, деб ўйлашади. Она топган бир бурда нонини тўрт боласи билан баҳам кўради. Очликка чидашдан кўра, "Халқ душманининг болалари" деган тамгага дош бериш қийин кечади. Нағиманинг буюк хизмати — болаларини ўқитмай катта қилгани, уларга муносиб таълим-тарбия бергани десак, хато бўлмайди.

Адиб ўзининг шу асарига болалик йиллари отаси билан Фарғона ва Андижонга борганини эслайди. "Отам ҳақида ўйласам, у кўз ўнгимда ҳамisha кўмирдек қоп-қора, бир жойида озроқ оқи бор қуюқ сочли, далада қиядиган қўйлаги, кўнжли булғор этиги билан гавдаланади. У кўпинча қўш от қўшилган чарм ўриндиқли аравада юрар, олдинда эса аравакаш ўтирарди. Отамнинг қиёфаси билан бирга, Фарғона тарафдаги пахса ёки гува-ла билан ўралган томи текис, бир-бирига ўхшаб кетадиган пастқам уйларни ҳам эслайман. Фарғоналикларнинг туриш-турмуши ўзига яраша эди. Бу ерда одамлар аҳил-иноқ кун кечиринишади. Қишлоқларда кексаларнинг хурматини жойига қўйишади. Оқсоқолларнинг гапи эрқагу аёл, катта-ю кичик — ҳамма учун қонундай гап. Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам қишлоқдошлар бир-бирларини ёлғизлатиб қўйишмайди. Ўзбекистонда ҳозир ҳам шундай..."

Бу ва бошқа қўллаб ҳолатлар боис бўлажак адибнинг онг-шуурида ўзбек халқига ҳавас, хурмат-эҳтиром юзага келади, кейинчалик бу туёғу бадий ва публицистик асарларига, таъсирчан маърузаларига кўчади, эл-юртимизнинг оқибатли дўсти, оғир дамларда ёнида тура оладиган қадрдонига айланади, қўллаб ижодкорлар учун устоз мақомига кўтарилади. Унинг юртимизга хар бир келиши адабиёт, санъат, театр соҳаси фидойилари учун чинакам байрамга айланарди. Буюк адиб билан ижодий мулоқотда бўлиш, унга сафардошлик қилиш бахтига муяссар бўлганлар оз эмас. Уларнинг ҳаммаси, ишончим комилки, адибнинг ҳаётда ўта камтар ва оддийлигига, суҳбатдоши ким бўлишидан қатъи назар, уларни эътибор билан тинглашига, баъзан, ноқулай вазият юз берганида ҳам ўзини босиб ва ўйчан тутишига, ортиқча дабдаба, мактов, ўринсиз мулоазиматни ёқтирмаганига эътибор беришган, деб ўйлайман. Энг оғир пайтда ўзбек халқининг шаънини жасорат билан ҳимоя қилгани, халқимизнинг ўтмиш маданияти ва унинг минтақа халқлари маданияти ва турмуш тарзига таъсирини юксак баҳолагани, садоқатли сафдоши Одил Ёқубовга мактуб йўллаб, уни асоссиз айбловлардан сақлаб қолгани, "Адил, тарихий мавзуда роман ёзишда сен мендан ўтдинг" дейишининг ўзи, Пиримкул Қодировга ҳам зарур пайтда елкасини тутгани бағрикенг ижодкор инсоннинг катта муқофоти эди.

Ўзбекистонлик бир гуруҳ ижодкорлар адиб таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан Бишкек ва Чўлпон-отада ўтказилган форумда қатнашар эканмиш, "Ота-бейит" да мангу кўним топган Чингиз ога қабрини зиярат қилдик. Олаёт этакларида жойлашган бу зияратгоҳда улуг устоз бу ёруғ оламнинг не не талотўпларига гувоҳ бўлган виқорли тоққа елкасини тутиб, бошқа ҳеч қачон уруш бўлмасин, қиёмат кўпмасин, тоғлар қуламасин, одам боласи бир-бирига қурол ўқталмасин, бири-бирининг уйига ўт қўймасин, боласини ўлдирмасин, қаргалар жаҳаннам узра бошқа ҳеч қачон фарёд қилмасин, илдизи, тили ва дили бир эллар бир-бирларидан узоклашмасин, бир-бирини танимай қолмасин, дея яратган Эгамга илтижо қилиб ётганга ўхшаб кетди.

Чингиз ога орамиздан кетганида дунё титраб кетмади. Чунки бу ёруғ олам бундан-да оғир йўқо-тишларни, захри асрларга етиб боргудек талотўпларни кўп кўрган. Дийдасиз қотиб кетган. Аммо... орадан йигирма йил ўтгач, ўшанда биз қимдан ва нималардан жудо бўлганмишни англаб, мана энди, аста-секин ўзимизга келаётганга ўхшаймиш..."

Аҳмаджон МЕЛИБОВ.

► Оламда нима гап?

Башар Асад уруш бошланишини очиқлади

Сурия президенти Башар Асад «RaiNews24» телеканалига берган интервьюсида, Сурияда уруш бошланишига нималар сабаб бўлганини айтган. Ҳукумат ўнлаб йиллар давомида экстремистларга нисбатан «ўта сабр-тоқатли» бўлганини таъкидлаган. Урушнинг иккинчи сабаби сифатида мамлакатда ушбу ҳолат бошлангунча қўлга олинмаган 50 мингдан кўпроқ жиноятчи бўлганини билдирган.



— Суриядан Европа Иттифоқига қочқинларнинг оқиб келиш муаммоси Европа «террорчиларни қўллаб-қувватлагани» сабабли юзага келган. Қолаверса, Европа Суриядаги алғовдалғовлики юзага келтиришда асосий иштирокчи бўлган. Европа Иттифоқи давлатлари Сурия ҳукуматига қарши курашиш мақсадида «террорчилик гуруҳларни қурол билан таъминлаш».

Шу ҳаракатлар суриялик миллионлаб одамлар ватанини тарк этишига сабаб бўлган, — дейди у ўз интервьюсида.

«Йил одами» оидинлашмоқда

АҚШ президенти Дональд Трамп ва Хитой раиси Си Цзиньпин «Time» журнали тахририятининг «Йил одами» унвонига даъвогарларнинг якуний рўйхатига кирди. Трамп ушбу номга тўртинчи марта даъвогарлик қилмоқда, 2016 йилда ҳам у ушбу номга сазовор бўлган.

Якуний рўйхат 10 кишидан иборат бўлиб, унга Трампнинг шахсий адвокати Рудольф Жулиани, АҚШ конгресси қуйи палатаси спикери Нэнси Пелоси, «Facebook» раҳбари Марк Цукерберг, шведиялик 16 ёшли Эко-фаол Грета Тунберг, Янги Зеландия бош вазири Жастина Ардерн, футбол бўйича АҚШ аёллар терма жамоаси аъзоси Меган Рапино кирган. Мазкур рўйхатга Ҳонгконгда ҳукуматга қарши чиқаётган намоёнчилар ҳам киритилган.

Журнал тахририяти «Йил одами»ни бугун — 11 декабрда эълон қилиши кутилмоқда.

Социал демократлар ҳукумат тепасида

ВВС хабарига кўра, Финляндия транспорт вазири Санна Марин 34 ёшида мамлакат бош вазири бўлиши мумкин. Сийёсатчи жорий ҳафта қасамёд қабул қилиб, дунёдаги энг ёш бош вазирга айланishi кутлаётми.

Мариннинг номзодини унинг ўз партияси — социал-демократлар ҳукумат раҳбарлиги учун илгари сурган. У истеъфога чиққан бош вазири Антти Ринненинг ўрнини эгаллайди.

Яқшанба кун партиялар раҳбарлари ўртасида ўтказилган овоз бериш жараёнида Санна Марин энг кўп овоз йиғди.

Амалдаги ҳукумат раҳбари Ринне эса иккинчи ўринни олди.

Финляндияда ҳукумат алмашинуви мамлакат учун бироз ноқулай вақтда рўй бермоқда: расмий Хельсинки йил охирига қадар Европа Иттифоқига раислик қилади ва Европа ҳамжамиятининг янги бюджети ишлаб чиқишида марказий роль ўйнайди.

«Норманд тўртлиги» учрашуви қандай ўтди?

Парижда «Норманд тўртлиги»га кирувчи давлат раҳбарларининг (Владимир Путин, Эммануэл Макрон, Ангела Меркель, Владимир Зеленский) навбатдаги саммити бўлиб ўтди.

Парижда «Норманд шакли»даги бир неча соатлик музокарадан сўнг, Россия ва Украина президентлари Франция ҳамда Германия етакчилари иштирокида йил охирига қадар асирлар алмашинуви ва тўрт ойдан кейинги янги учрашув тўғрисида келишиб олдилар.

Учта муҳим масала бўйича келишувга эришишнинг имкони бўлмаган: чегарадаги назоратни Украинага топшириш, назорат остида бўлган туманлар сайловлар ўтказиш ва Россия газининг транзити. Учрашувнинг асосий натижаси: томонлар «келишишга келишиб олишди».

Париждаги учрашув Владимир Путиннинг Владимир Зеленский билан биринчи шахсий танишуви бўлди, бундан олдин улар фақат телефон орқали гаплашган. «Биз Россия билан мулоқотни очдик, бу ижобий ҳолат», деган Украина президенти учрашув якунларига изоҳ бериб.

Макрон «Норманд саммити»ни самарали деб атади, Меркель эса «Яхши ният ва ижобий муносабат бор» дейди. «Норман шаклидаги» музокарадан 2014 йилдан бери қарийб 13 000 киши ҳалок бўлган Украина шарқидаги тинчлик жараёни қайта тиклашга уриниш бўлди.

Туркия меҳмонхонада яшаш солиғи жорий этди

Туркияда янги қонун кучга кирди. Унга кўра, меҳмонхоналар хар бир хонаси учун белгиланган нарҳнинг ва барча кўрсатилган хизматлар қийматининг 2 фоизи миқдорида солиқ тўлайди.



Тўлов барча хусусий меҳмонхоналар, мотеллар, қурорт қишлоқлар, пансионатлар, апартаментлар, меҳмон уйлари ва кемпингларга татбиқ қилинади. Янги солиқ озик-овқат, ичимлик маҳсулотларига, кўнгилочар хизматлар, конференция заллари ва рестороанлар ижарасига нисбатан қўлланилади.

2020 йил давомида имтиёзли 1 фоизли ставка амалда бўлади, кейин эса Туркия президентининг қарорига асосан ставка 0,5 фоиздан 6 фоизгача ўзгариши мумкин.

Бундан ташқари, 7,5 фоизли реклама солиғи ҳам амалга киритилган. Эндиликда меҳмонхоналар маркетинг харажатлари ошишини нарҳларни ошириш ҳисобигагина қоплаши мумкин.

Интернет хабарлари асосида А.СОДИҚОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва "Hurriyat" мустақил газетаси жамоалари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, "Олтин қалам" Миллий мукофоти соҳирдори Абдували КУТБИДИНОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари, яқинларига чуқур таъзия билдиради.

